

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ҚАДИМГИ ШАРҚНИНГ БЕШИНЧИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

Боқиев Анвар Аҳмедович,

Термиз давлат университети

Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси

катта ўқитувчиси

For citation: Bakiyev Anvar. Fifth civilization of ancient East. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 25-40.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-8-4>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019

Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада урбанист олимларнинг жамият тараққиётини ўрганишдаги цивилизацион ёндашувлари хронологик жиҳатдан таҳлил қилинганва Марказий Осиёдаги бронза даври маданиятларини ўрганишга цивилизацион ёндашилган. Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида Марказий Осиёнинг тутган ўрнини аниқлаш ва бронза даври маданиятларини фанга бешинчи қадимги цивилизация сифатида олиб кириш масаласи илмий талқин қилинган. Фанга Окс цивилизацияси сифатида киритилаётган БМАКнинг умумий хусусиятлари археологик, антропологик ва этнографик манбаларга асосланган ҳолда очиб берилган. Жамият тараққиётида маданият ва цивилизация тушунчаларининг илмий таҳлили бўйича мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: цивилизация, Сополли маданияти, даврлаштириш, археология, урбанизацион жараёнлар, маданият, Жарқўтон, Дашт-ли, Тўғо-лок, Гонур, шаҳар-давлат, конфедерация, синфий дифференциация, Окс цивилизацияси, БМАК.

ПЯТАЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДРЕВНЕГО ВОСТОКА

Бакиев Анвар Ахмедович,

Старший преподаватель кафедры истории

Узбекистана и источниковедения

Термезского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье на основе цивилизационного подхода анализируются подходы ученых урбанистов о развитии общества в хронологическом порядке изучается культура бронзового века в Центральной Азии. Исследована проблема введения культур бронзового века Центральной Азии в систему древней цивилизации Востока как пятую цивилизацию. На основе археологических, антропологических и этнографических источников исследуются основные характеристики БМАК, получившая названия в науке как цивилизация Окса. Комментируется научный дискурс концепций культуры и цивилизации в развитии общества.

Ключевые слова: цивилизация, Сапаллинская культура, периодизация, археология, урбанизационные процессы, культура, Джаркутан, Даштли, Тоголок, Гонур, город-государство, конфедерация, классовая дифференциация, цивилизация Окса, БМАК.

FIFTH CIVILIZATION OF ANCIENT EAST

Bakiyev Anvar,

Senior Lecturer of the Department

of History Uzbekistan and source studies

Termez State University

ANNOTATION

In the article, on the basis of the civilization approach, the approaches of urban scientists about the development of society in a chronological order are analyzed and the culture of the Bronze Age in Central Asia is studied. The problem of introducing the cultures of the Bronze Age of Central Asia into the system of the ancient civilization is investigated. On the basis of archaeological, anthropological, ethnographic sources, the main characteristics of the BMAC, which has received the name in science as the Oks civilization, are investigated. The scientific discourse of the

concepts of culture and civilization in the development of society is commented.

Key words: civilization, urbanization, city-state, confederation, class differentiation, ВМАС.

Қадимги Шарқ цивилизациясидан ташқари ер шарининг бир қатор худудларида, жумладан Африка, Мезоамерика, Узоқ Шарқ ва албатта Марказий Осиёда* илк цивилизацияларнинг янги ўчоқлари ўрганилмоқда [15,7]. Янги ўчоқларнинг топилиши ва тарих фанига киритилиши урбанист олимлар ўртасида цивилизациянинг шаклланиши ҳақида янги қарашларни шакллантирмоқда. Агар фанда Месопотамия инсоният тарихидаги илк цивилизация бешиги сифатида қараб келинган бўлса, юқорида эслаб ўтилган янги марказларнинг топилиши ва ўрганилиши урбанистикада полицентрик ғояларнинг шаклланишига асос бўлмоқда [22,3].

Жамият ривожланишида формацион қарашлар тарихчи ва жамиятшунослар томонидан кескин танқид қилинишига қарамай айрим тарихчилар томонидан ҳозирги вақтда ҳам қўлланиб келинмоқда. Археологлар моддий манбалар асосида маданиятлар ва цивилизациялар тарихини ўрганганлиги сабабли цивилизацион қарашни маъқул кўрадилар [27,32].

Ўзбекистон тарихи фанига ҳам цивилизация тушунчаси кенг кириб келди ва уни даврлаштириш масаласида цивилизацион қарашлар шаклланимоқда. Жанубий Ўзбекистон худудида бронза даврига оид Сополли маданияти ёдгорликларининг кенг кўламда ўрганилиши, айниқса Жарқўтонда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу ёдгорлик илк шаҳарлар тоифасига киритилди [4]. Илк шаҳар, илк цивилизация, илк синфий муносабатлар, илк давлатчилик каби иборалар синоним сўзлар бўлиб, бир - бирини луғавий жиҳатдан тўлдириб боради. Жарқўтон Ўзбекистон худудидаги энг қадимги шаҳар ёдгорлиги мақомини олдимиз, демак унда яшаган аҳоли ҳам цивилизацияга эришганлиги хусусида фикрлашимиз жоиз бўлади.

Марказий Осиё халқлари тарихида “илк цивилизация” иборасини қўллашда унинг иккита жиҳатига эътибор беришимиз керак. Биринчиси, ибтидоий тарих билан цивилизацион тараққиётнинг чегарасини, иккинчиси маданият ва цивилизациянинг фарқини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Қўйилаётган биринчи масала бўйича тарих фанида ҳар хил қарашлар мавжуд. Цивилизация замонавий одамнинг шаклланиши, неолит инқилоби, урбанизацион жараёнлар, синфий жамият шаклланаётган

жамият ёки давлатларнинг шаклланиш давридан бошланади деган тушунчалар мавжуд [43,77]. Ундан ташқари тарихий жараёнлар ва ҳудудлар билан боғлиқ бўлган “ўрмон цивилизацияси”, “пайконлар цивилизацияси”, “шаҳар цивилизацияси” каби иборалар ҳам қўлланилмоқда [4].

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, Ўрта Осиё кўчманчи-чорвадор ва ўтроқ халқлар маданиятлари шаклланган ва этник қоришуви кечган ҳудудлар қаторига киради [8, 5]. Кўчманчи халқлар яшаган тарихий табиий шароит ва яшаш тарзидан келиб чиқиб улар яратган жамият ва моддий маданиятга нисбатан ҳам цивилизация ибораси қўлланилмоқда ва жуда тўғри баҳоланмоқда [9, 10-12; 10, 67-98; 11, 215-234; 17; 19, 217; 20, 27-41; 21, 224; 23; 31, 12-40; 33; 34; 50, 37-55; 51, 239; 52, 275].

Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончиликка асосланган жамоаларида цивилизация бронза давридан бошланганлиги урбанизация тарихи билан шуғулланиб келаётган мутахассислар томонидан эътироф этилиб, пайдо бўлиш жараёнлари Қадимги Шарқ цивилизацияси билан боғланмоқда [27,291] ва унинг янги бешинчи ўчоғи сифатида таъкидланмоқда [46]. Демак, ибтидо билан тамаддуннинг чегараси бронза даври бўлиб, шу даврдан бошлаб жамиятнинг шаҳарлашиши, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши, жамоанинг синфийлашиш жараёнлари бошланган. Ҳунармандчилик ривожланган, халқаро савдо ва маданий алоқаларга асос солинган [56, 7-13].

Маданият билан цивилизация, булар таққослаб бўлмайдиган тарихий тушунча – категориялар бўлиб, маданият бир хил моддий маданиятлар тарқалган ҳудудга нисбатан ишлатилади. Шу сабабли маданиятлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Гарчи ибтидоий бўлсада, маданиятлар одамзоднинг пайдо бўлишидан бошлаб шаклланган. Цивилизация тушунчаси кенг, жамият тараққиётига нисбатан ишлатилмайдиган, унинг маълум бир босқичида пайдо бўладиган, ҳар хил цивилизациялар бўлсада, ижтимоий, ҳўжалик, техник ва технологик ривожланиш жиҳатлари билан бир-бирига ўхшайди [4, 24].

Таъкидлаганимиздек, ҳар бир цивилизациянинг баҳоси унинг жамият тараққиётига, инсоният ривожига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Шундай экан Окс цивилизацияси аҳолисининг Марказий Осиё халқлари тараққиётига қўшган ҳиссасини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Окс цивилизацияси аҳолиси Марказий Осиёда марказлашган динга асос солган. Бу фикрни тўлиқ ишонч билан айтишимизга сабаб, Жарқўтон, Даштли, Тўғолоқ, Гонур ёдгорликларида марказлашган, монументал ибодатхоналарнинг ўрганилишидир [4; 44; 49]. Ўрга-

нилган ибодатхоналарнинг, диннинг характери тўғрисида тадқиқотчилар бир фикрга келишмаган бўлсада, илк зардуштийлик ибодатхоналари деб ҳисоблайдиган олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Окс цивилизацияси жамоаси Марказий Осиёда биринчи марта илк шаҳар маданиятига асос солган. Мана шу илмий йўналиш бўйича профессорлар Т.Ш. Ширинов ва Б.Ж. Эшовлар тадқиқотлар олиб бориб, илк шаҳарларнинг археологик белгилари, пайдо бўлиши жараёнлари, ривожланиш босқичлари бўйича муҳим хулосаларга келган [4; 29, 165-190; 59, 42].

Илк шаҳарлар билан тарихан бир вақтда бунёд этилган давлатларнинг шаклланиши масаласи Ш.Б.Шайдуллаев тадқиқотларида акс этган [53]. Муаллифнинг хулосасига кўра Окс цивилизацияси ҳудудида, хусусан Бақтрияда бошқарув ибтидоий бўлса-да давлатчиликдан аввал, жамоалар давридан бошлаб шаклланган (оила, патриархал оила, қишлоқ жамоаси бошқаруви). У Жарқўтонни Қадимги Шарқ дунёсининг шаҳар-давлатлари билан қиёсий таққослайди. Ёдгорликнинг тарихий топографияси, ривожланган бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимининг шаклланганлиги, яратилган моддий маданият намуналарининг ривожланганлиги, маданий алоқалар даражасининг кенглиги Жарқўтонни шаҳар-давлатлар тоифасига киритишга имкон берган. Илк темир даврига келиб Бақтрияда ҳудудий давлатларнинг шаклланганлигини асослаб берди. Ҳудудий давлатларнинг конфедерацияси натижасида эса мил.ав. VIII асрда Бақтрия подшоҳлиги барпо этилганлиги археологик ва ёзма манбалар асосида исботланган. Ш.Б.Шайдуллаевнинг хулосасига кўра Қадимги Бақтрия подшоҳлиги шаклланишига қадар давлатчиликнинг икки, шаҳар-давлатлар ва ҳудудий давлатлар босқичларидан ўтган ва ҳудудий давлатларнинг конфедерацияси натижасида Қадимги Бақтрия подшоҳлиги, энг сўнги тадқиқотларга кўра Қадимги Бақтрия кавийлиги шаклланган [54, 67-72]. Демак, Окс цивилизацияси аҳолиси Марказий Осиёда энг қадимги шаҳар-давлатларга асос солган.

Цивилизациянинг яна бир энг асосий хусусиятларидан бири аҳоли синфий дифференциациялашган бўлиши керак. Окс цивилизацияси мисолида бу масала билан бир қатор тарихчилар шуғулланишган [2, 21; 18, 21]. Улар асосан Жанубий Туркманистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида ўрганилган қабрларда учрайдиган, майит билан қўшиб кўмилган моддий маданият намуналарининг сон ва сифат миқдорига қараб Окс цивилизацияси аҳолисининг ижтимоий табақалашганлигини таъкидлашган. Кейинги йилларда бронза даврига оид бир қатор ёдгорликларда арк, сарой ва ибодатхоналарнинг тадқиқ

этилиши бу масалага тўлиқ ечим берди ва Окс цивилизацияси аҳолиси ижтимоий табақалашганлиги илмий асосланди [1, 21; 30, 82-94; 38, 42; 41, 40; 57, 42].

Албатта, юқори ривожланган ҳунармандчилик цивилизация белгиси эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бу борада биз ўрганаётган цивилизация вакиллари жуда кўп соҳаларга асос солган ва ривожлантирган. Кулолчилик бўйича Марказий Осиё халқлари тарихида сопол чархини кашф этган аҳоли Олтинтепаликлар ҳисобланади [29,165-190; 36,19]. Бу анъанани санъат даражасига кўтарганлар эса Окс цивилизацияси аҳолисидир. Кулолчилик чархининг кашф этилиши идишларнинг стандарт, симметрия услубида ясалишига имкон яратган ва кулолчилик соҳасида нафис санъат буюмларининг ясалишига замин яратган.

Марказий Осиёда нафақат кулолчилик чархи, балки икки ярусли хум-донларнинг кашф этилиши ҳам Олтинтепаликлар чекига тушган, у Олтинтепа аҳолисининг ижодий маҳсули натижасидир [25]. Сополли маданияти хумдонлари тарихини А.А. Асқаров ва У.В. Раҳмоновлар ўрганган. Хумдонлар типология қилинган, эволюцион ривожланиши ва такомиллашиб бориши кузатилган [5, 10; 6, 36-38; 7, 12-41; 36, 6-9].



1- расм. Окс цивилизацияси кулолчилигидан намуна.

Икки ярусли хумдонлар Месопотамия ҳудудида мил.ав. VI минг йилликда, Қадимги Ҳиндистон ҳудудида (Мохенждаро) мил.ав. III минг йилликда, Эрон ҳудудида (Тепа Гавр) 3900 йил аввал, Жанубий Туркманистонда Номозгоҳ IV давридан бошлаб учрайди (Хапуз, Теккем, Учтепа, Гонур, Номозгоҳ). Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Қадимги Шарқда кулолчиликка жуда катта эътибор берилган. Кулолчиликнинг илк давридан сифатли

сополлар ишлаб чиқарилган. Маълумки, икки ярусли хумдонлар технологик ва конструкцияси жиҳатидан мукамаллиги билан бошқа хумдонлардан ажралиб туради ва шу типдаги хумдонлар сўнгги ўрта асрлар давригача қўлланиб келинган.

Икки ярусли хумдонни ясаш, сопол пишириш инсондан катта билим ва тафаккурни, маълум касб кўникмасини ва тинимсиз хизмат қилишни талаб қилган. Э. Сайконинг маълумотларига қараганда сополлар шу типдаги хумдонларда 800 900 ҳароратда пишган [42,154].


Икки ярусли хумдон кулолчилик соҳасида инсоният томонидан яратилган энг мукамал қурилмалардан бири бўлиб, доимий ишлаш ва термостат технологиясининг кашф этилиши билан изоҳланади. Термостат технологиясининг кашф этилиши кулолчиликда яроқсиз маҳсулотнинг олдини олган. Сополли маданияти ёдгорликларидан биронта ҳам яроқсиз сопол — маҳсулотнинг учрамаслиги ушбу технологияни яхши ўзлаштирилганлигидан дарак беради.

Металлсозлик Окс цивилизациясининг энг ривожланган соҳаларидан биридир. К. Раҳимовнинг тадқиқотларига кўра Сополли маданияти ёдгорликларида жами 23 та металл эритиш ўчоқлари ўрганилган [35]. Жарқўтон олов ибодатхонасининг бир хонасида 8 та металл эритиш ўчоғи, устахона, қудуқнинг жойлашиши металлсозликнинг марказлашганлигидан, тигелларнинг бутун ҳолатда топилганлиги эса уни эритиш технологиясидан хабар беради.

Окс цивилизацияси металлари бўйича ҳозирги даврда иккита мутахассис илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. В.Рузановнинг тадқиқотлари металлларнинг химик таркибини аниқлаш, руда конлари маконларига бағишланган бўлса, Кай Каниут металл буюмларининг типологияси билан шуғуллан- моқда [39, 233-239; 67, 89-115].

Жарқўтон ёдгорлигининг тадқиқотчиларидан бири Ш.Б. Шайдуллаевнинг маълумотларига қараганда Окс цивилизацияси аҳолиси темирни ҳам билган [53,14]. Жарқўтон аркидан топилган бронзадан ишланган пичоқ дастасининг гулмихлари темирдан ясалганлиги кутатилган. Тарихдан маълумки, темирни Окс цивилизацияси билан хронологик жиҳатдан бир вақтда яшаган хеттликлар кашф этишган. Хетт ёзувлари шуни кўрсатмоқдаки, хеттликлар темирдан ҳар хил тақинчоқлар, худо ҳайкаллари ва диний маросимларда ишлатиладиган ҳар хил буюмларни ясаганлар [66; 68]. Хеттликлар метеорит ва қазилма темирдан фойдаланишган [75,682]. Сўнгги йилларда фанда темирнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши тўғрисида янги маълумотлар тўпланди. Дж. Вальдбаумнинг изланишларига қараганда энг қадимги темир предмет мил.ав. V-IV минг йилликларга оид бўлиб, метеорит

темирдан ясалган. Илк бронза даврига оид жуда кўплаб темир буюмлар Месопотамия, Анадоли ва Мисрдан топилган[74, 69-98]. Қадимги Шарқда темир жуда қимматбаҳо металл ҳисобланган. Темир олтидан 9-10, кумушдан 35-40, қўрғошиндан 400 марта қиммат бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор[74,75].



2-расм. Окс цивилизацияси металл (бронза) буюмларидан намуналар.

Темир тўғрисидаги энг қадимги ёзма манба ҳам Хетт миҳхат ёзувларидан маълум. Энг қадимги «Анитти» матни мил.ав. XIX-XVIII аср воқеликлари ҳақида ҳикоя қилади. Унда Хуррит шаҳридан бўлган Пурусхонди ҳокими ўз вассали Аниттини темир тахтга ўтқазгани ва темирдан ясалган салтанат ҳассасини бергани ифодаланган[12, 3-17; 13, 238-261].

Эрон ҳудудидан топилган энг қадимги темир мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оиддир. Гиан I тепалигидан топилган темир қилич ва темир пайкон, Сиалк қабристонидан топилган темир қилич ва темир тўғноғич бу фикрнинг исботи ҳисобланади[64, 443].

Ўрта Осиё ҳудудида темирнинг пайдо бўлиш вақти, тарқалиши ҳозирча ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади. В.М. Массон темирнинг пайдо бўлишини мил.ав. I минг йилликнинг бошлари деб ҳисоблайди ва Ўрта Осиёга темир Эрон ҳудуди орқали тарқалган деб ёзади[26, 108]. Далварзинтепадан топилган темир пичоқ ва шлак асосида Ю.А. Заднепровский мил.ав. X-VIII асрларни илк темир даври деб аташни таклиф этган[16, 32]. А.С. Сагдуллаев эса X-VIII асрларни сўнгги бронза давридан илк темир даврига ўтиш, VII-IV асрларни эса илк темир даври деб аташни таклиф этади[40, 229-234].

Жарқўтондан топилган бронза пичоқ дастасидаги темир гулмих бу борада янги фикр юритишга мажбур этади. Эрон ҳудудида Гиан I ва

Силқдан топилган темир қилич ва пайконлар ёрдамида илк темир даврининг бошланиши Ўрта Осиёга нисбатан қарийиб 500 йилга қадимийлаштирилган[64,443]. Жарқўтон аркидан топилган бу буюм Окс цивилизацияси аҳолисининг темирни билганлигини кўрсатувчи ашёвий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу топилманинг пайдо бўлиши тарихи билан қизиқиб, М.В. Гореликнинг Қадимги Шарқнинг меҳнат ва жанг қуролларига бағишланган тадқиқотларига мурожаат этдик. Жарқўтондан топилган пичоқ дастасига ўхшаш пичоқлар Месопотамия, Сурия ва Хетитлар ёдгорликларидан топилган[14: Табл.І.]. Бақтриянинг бронза даврида Сурия ва Хетитлар юрти аҳолиси билан маданий алоқада бўлганлигини В.И.Сарианиди, С.Салватори каби олимлар ҳам ёзган[48,55]. Шундай алоқалар натижасида Жарқўтондан топилган пичоқ ҳам «импорт» сифатида келган бўлиши табиий ҳол, албатта.

Оксликлар меъморчилик соҳасини санъат даражаси кўтарган. Бу соҳада улар бошқа цивилизация вакилларидан тубдан фарқ қилувчи анъана яратганлар. Энг аввал Ўрта Осиёнинг табиий шароитидан келиб чиқиб маҳаллий тупроқдан гишт тайёрлаб қурилиш ашёси тайёрлашган. Йирик гиштлардан (64x32x14см) уйлар, монументал обидалар, жумладан сарой, ибодатхоналар қурган. Лабиринт тизимли фортификация усули фақат Сополлитепа, Даштли, Тўғолоқ, Гонур ёргорликларига хос бўлиб, ҳозирча бошқа маданият меъморчилигида ўхшаши топилгани йўқ. Меъморчиликда симметрия усулини ҳам шу цивилизация вакиллари кашф этишган [4; 25; 45: 21-86; 46].

Цивилизацияга эришган жамоалар бошқа халқлар билан маданий ва этник яқинликда бўлади. Марказий Осиёда оксликлар халқаро савдо ва маданий алоқаларга ҳам асос солган [28, 49-65; 29,165-190]. Бронза даврида Ўрта Осиёда кечган маданий алоқалар, савдо ишлари ва алоқа йўллари ҳақида тадқиқотчилар маълум даражада изланишлар олиб боришган[47, 262-265; 55, 34-39; 58, 17-21]. Қадимги Шарқ ва Окс цивилизацияси ўртасида ўрнатилган маданий алоқалар анча яхши ўрганилган. Айниқса, Бақтрия ҳудудида Шўртўғай ёдгорлигининг очилиши бу мавзунинг асоси бўлиб хизмат қилган[65].

Окс цивилизацияси вакиллари нафақат ривожланган шарқ маданияти балки Евроосиёнинг кўчманчи халқлари билан ҳам маданий алоқалар олиб борган. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларида, Афғонистон, Эрон ва кўплаб Хараппа маданияти ёдгорликларида кўчманчи Андроново маданиятига хос бўлган сополларнинг учраши табиий ҳолга айланиб бормоқда [37,58-

63]. Фандаги кейинги хулосаларга кўра Оксликлар Хараппа, Қадимги Эрон, Андроново маданиятлари билан бевосита, Сурия, Хетт, Месопотамия билан эса билвосита алоқада бўлган [53, 28].

Ўрганилаётган цивилизация вакиллари Марказий Осиё халқлари тарихида санъатнинг бир қатор турларига асос солишганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Булар ҳайкалтарошлик ва глиптика соҳаларидир. Санъатнинг бу турлари халқларнинг дунёқарашларидан шохидлик беради.

Жарқўтондан топилаётган терракот ҳайкалчалар мисолида зоолатрик дунёқарашлар ҳам ривож топганлигини кузатишимиз мумкин. Маълумки, терракот ҳайкалчалар ўша замон кишиларининг идеологик қарашларини ўзида мужассам этади. Сигир (хўкиз), туя, илон, бургут, икки ўрқачли туя каби ҳайвонлар шаклида ифодаланган терракот ҳайкалчалар асосида Окс цивилизацияси аҳолисининг зоолатрик диний қарашларини аниқлашимиз мумкин. Жарқўтонда аждодлар руҳига ибодат каби дин турининг мавжуд бўлганлигини бу ердан топилган, лойдан ясалган иккита эмбрион шакли, иккиқат аёлнинг қорин қисми ва ўлган эркак кишининг бюст ҳайкали мисолида кузатиш мумкин [53, 34].

Бақтрия ва Марғиёналиклар Марказий Осиёда глиптика соҳасига ҳам асос солган. Бронза даври глиптикаси муҳрларда, туморларда, мунчоқларда ифодаланган. Глиптика моддий маданият манбалари орасида энг кўп тарихий маълумотлар бериб, уларда ифодаланган тасвирлар бронза даври аҳолисининг санъати, мифологик ва диний дунёқарашлари, табиат манзаралари, ҳайвонот дунёси, бошқа халқлар билан маданий алоқалари, қадимги халқлар миграцияси каби маълумотларни беради.




3-расм. Окс цивилизацияси муҳрларидан намуна.

Окс глиптикаси тарихини ўрганишни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр ўтган асрнинг 70-80 йилларини ўз ичига олиб бу давр глиптика бўйича манбаларнинг йиғилиши ва глиптикага оид тасвирлар ифодаланган муҳрларнинг вазифалари хусусидаги билимларнинг тўпланиши билан характерланади [3, 26-34]. Бу даврда Даштли, Сополли, Жарқўтон, Тўғолоқ, Гонур каби ёдгорликлардан кўплаб муҳр ва тақинчоқлар стратиграфик жиҳатдан аниқликлар киритилган ҳолда фанда ёритилган бўлса [24,132-150], Афғонистон бозорларида сотилаётган юзлаб муҳрлар антиквар маҳсулот сифатида намоён бўлди [70] ва ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Окс глиптикаси бўйича кейинги 20-25 йилдаги тадқиқотлар асосан чет эллик олимлар фаолияти билан боғлиқ [60; 62; 63]. Бақтрия тарихи бўйича кўплаб ғоялар муаллифи П Амее илк марта Бақтрия глиптикасида Сурия ва Хетт маданиятларининг таъсири масаласини кўтарган [61]. Унинг фикрича Бақтрия глиптикасида ифодаланган қанотли одамлар, қанотли ҳайвонлар илк марта Кичик Осиёда шаклланган ва Эрон, Жанубий Туркманистон орқали Бақтрияга тарқалган. Бақтрия ва Марғиёна глиптика мактабининг шаклланишида Кичик Осиёнинг таъсири масаласи йирик археолог олимлар жумладан, италиялик профессорлар С.Салватори ва М.Тоси [69,97-145; 72,130-158; 73, 283-386], япониялик шарқшунос олимлар ва археологлар К.Танаби, А. Хори, К. Ишида томонидан ҳам эътироф этилган [71].

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиё халқларининг маданий ривожланиши Окс цивилизацияси давридан бошланади. Илк шаҳар маданияти, жамиятнинг синфий дифференциацияси, давлатчилик, ички ва ташқи маданий алоқалар заминида шаклланган ва ривожланган техник ва технологик янгиликлар (айланма механизмининг кашф этилиши, яъни сопол чархи ва арава каби), диннинг марказлашув жараёнининг кечиши Окс цивилизацияси даврига хосдир.

Шундай қилиб, мил.ав. III минг йиллик сўнггида Бақтрия ва Марғиёнада Окс цивилизацияси шаклланган, II минг йиллик давомида унинг буюк тарихий даври бошланган ва ниҳоятда кенг ҳудудга, Шарқий Афғонистон, Белужистон, Шарқий Эрон, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига тарқалган. Бу цивилизация умумлашган моддий маданият белгилари билан характерланади ва доимо шимолдан янги этник гуруҳларнинг, Андроново маданиятининг қўшилиб туриши билан ва жануб томон кенгайиб бориши билан характерланади.



4-расм. Сополлитепа ер юзидаги энг қадимги лабиринт тизими қўлланилган меъморчилик иншооти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. — Ташкент, ИИ АН РУз., 2008. — 21 с.

2. Алекшин В.А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. — М.: ИА АН СССР. 1977. — С.21;

3. Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока. СА. №4, 1984. — С. 26-34.

4. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. — Самарканд. — 1993. — 187с;

5. Аскарлов А.А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций). Дисс. д.и.н. М., 1976. — С.10;

6. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. — Ташкент, 1977. —С.36-38;

7. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973. —С.12-41;

8. Аскарлов А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. 1994. №6. 5-бет.

9. Байпаков К. Империя древних тюрок // Тюркский мир (Этнополитический и литературно-художественный журнал). — М.: 1999. — № 1-2. — С. 10-12;

10. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамишской дельты Амударьи в 70-80 годах // Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. — М.: 1991. — С. 67-98.

11. Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным // Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. – Киев, 1984. – С. 215-234;
12. Георгадзе Г.Г. «Текст Анииты» и некоторые вопросы ранней истории хеттов // ВДИ. – М.: 1965. 4. – С. 3-17;
13. Георгадзе Г.Г. Производство и применение железа в центральной Анатолии по данным хеттских клинописных текстов // Древний Восток (этнокультурные связи). LXXX, М.:1988. – С. 238-261.
14. Горелик М.В. Оружие Древнего Востока (IV тысячелетие – IV в. до н.э.). – М.: Наука, 1993. – Табл. I.
15. Древние цивилизации. – М., 1989. – С.7.
16. Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники железного века Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – М.: Л., 1978. – С. 32.
17. Зданович Д.Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. – Челябинск, 1997. – 87 с;
18. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд. ИА АН Уз.ССР. 1990. – 21 с.
19. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. – М.: 1977. – С. 217;
20. Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. М. 1980. №6. – С. 27-41;
21. Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. – С. 224;
22. Ламберг-Корловский К.К. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н.э.: от Месоотамии до долины Инда. – ВДИ, 1990, № 1. – С.3.
23. Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». – М.: 1972. – С.269;
24. Масимов И.С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовий Мургаба. СА. №2, 1981. – С. 132-150.
25. Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – С.324;
26. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – С. 108.
27. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л.: 1989. – С. 291.
28. Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. – М.: 1958. – №2. – С. 49-65;
29. Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии / СА. – М.: 1967, №3. – С. 165-190.

30. Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // ВИ, 1967, №5. – С. 82-94;

31. Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. – М.: МГУ, 1980. – С. 12-40;

32. Массон М.Е. Прикладные задачи в археологии и их тематика в Средней Азии. Ташкент, 1937;

33. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. – Киев, 1989. – 172 с.;

34. Пьянкова Л.Т. Древние стотоводы Южного Таджикистана. - Душанбе, Дониш. 1989. – 208 с.;

35. Рахимов К. Сополли маданияти ёдгорликлариди олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси. Т.ф.н. ... дисс. автореферати. ЎзР ФА Археология институти. Самарқанд, 2011. 21 бет.

36. Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд, ИА АН РУз.ССР 1987. – С.19.

37. Рахманов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы ... – С. 58-63.

38. Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия – Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам амударьинского правобережья). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – М.: МГУ. 1988. – С. 42;

39. Рузанов В.В. Еще раз о хронологии Чустской культуры Ферганы // Российская археология, №4. – М.: 1999. – С. 233-239;

40. Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. – №2. 1982. – С. 229-234.

41. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док.ист. наук. – М.: МГУ.1989. – С. 40;

42. Сайко Э.В. Техника и технология керамического производства Средней Азии в историческом развитии. Москва, 1982.– С.154.

43. Сайко Э.В. Формирование древнейших городов и становление раннеклассового общества. – М., 1987. – С.77.

44. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., 1977;

45. Сарияниди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. – М.: Наука, 1976. – С. 21-86;

46. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с.

47. Сарияниди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии // СА №3, 1979. – С. 262-265;
48. Сарияниди В.И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики // ВДИ. – М.: №1, 1999. – С. 55.
49. Сарияниди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. Москва, 2001.
50. Смирнов К.Ф. Вооружение савроматов // МИА, №101. – С. 37-55;
51. Тойнби А.Ж. Постигание истории. – М.: 1991. – С. 239;
52. Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. – М.: Наука, 1975. – С. 275;
53. Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д.и.н. Самарканд, 2009.
54. Шайдуллаев Ш.Б., Икромов Н.М. Қадимги Бақтрия подшоҳликми кавийликми // O'zbekiston tarixi. ЎзР ФА Тарих институти журнали. 2010. № 3. 67-72 бет.
55. Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. до н.э.) // Формирование и развитие трасс великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. – Ташкент. 1990. – С.34-39.
56. Ширинов Т.Ш. Қадимги Бақтрия подшолиги “Катта Хоразм” // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент, Шарқ, 2001. – Б. 7-13.
57. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – М.: ИА АН России. 1993. – С.42;
58. Щетенко А.Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалам Туркменистано-Харапских параллелей // КСИА. Вып.122. – М.: 1970. – С. 17-21;
59. Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. -Ташкент, 2008. – С. 42;
60. Amiet P. Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989;
61. Amiet P. Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972;
62. Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-1700 avant. P.,1986;

63. Baghestani Suzanne. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China. *Archaeologie in Iran und Turan*. Band 1. Leidorf, 1997.
64. Forbes R.J. *Metallurgy in Antiquity*. – Leiden, 1950. – P.443.
65. Frangfort H.P. *Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques*. V.I.II. – Paris: Boccard, 1989.
66. Goetze A. *Kleinasien*. – Munchen, 1957;
67. Kaniuth K., Teufer M. Zur Sequenz des Graberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung fur die Chronologie des spatbronzezeitlichen Baktrien // *AMIT*. Band 33. – Berlin, 2001. – P. 89-115.
68. Laroche Em. *Etudes de vocabulaire*. VI. *Revue hittite et asianique*, 1957.
69. Salvatori S. *Bactria and Margiana Seals*. *East and West*. Vol.50, 2000. – P.97-145;
70. Sarianidi V.I. *Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries*. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981.
71. Tanabe K., Hori A., Ishida K., Nagasava M., Itami S. *Animals in the Art of the Ancient Orient*. The Ancient Orient Museum, Tokyo, 1983.
72. Tosi M.A *Topographical and Stratigraphical Periplus of Sahre Suxteh*. *Proc.ASARI* 1975, 1976. – P.130-158;
73. Tosi M. *Excavations at Shahr-i Sokhta. Preliminary Report on the Second Campaign, Sept.-Dec.1968*, *EW* 19, 1969. –P.283-386.
74. Waldbaum J.C. *The First Archaeological Appearance of Iron and the Transition to the Iron Age // The Coming of the Age Iron*. Ed. by Th.A.Wertime and J.D. Muhly. – New Haven-London, 1980. – P.69-98.
75. Wertime T.A. *Pyrotechnology: Man's First industrial Uses of Fire // American Scientist*. 1973, Vol. 61. 6. – P. 682.